

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, дунёда давлат ва жамиятнинг нуфузи, маданий даражасини кўрсатадиган мезонлар кўп. Лекин ҳар қайси миллат ва халқнинг маънавий камолотини яққол акс эттирадиган шундай бир мезон борки, у ҳам бўлса, жамиятнинг хотин-қизларга бўлган муносабати, ҳурмати билан белгиланади.

Айтиш керакки, бу жиҳатдан мамлакатимизга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Чунки халқимиз азалдан аёлларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатишни, уларни авайлаб-асрашни ҳаёт мазмунига айлантирган. Шу билан бирга, нафақат фарзанд тарбияси ва хонадон саришталиги, балки рўзгорнинг бекаму кўст юргизиши аёлларга ишониб топширилган ва бу анъаналар бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Бунинг ижобий натижаси ҳаётимизда ўз ифодасини топаётгани буюк келажагимизни бунёд этишга қодир етук авлод камолга етаётганида, оилалар фаровонлиги ошириб бораётганида яққол намоён бўлаётир.



МЕҲР-ОҚИБАТ, ФИДОЙИЛИК, ГЎЗАЛЛИК ВА САДОҚАТ СОҲИБАЛАРИ



Мамлакатимиз хотин-қизлари ҳақида сўз кетса, уларга дунёдаги энг бахтли, энг муҳтарам, деган таърифлар ярашади. Чунки бир аёл учун тинч юртда чиройли хонадоннинг бекаси бўлиш, соғлом ва баркамол фарзандни камолга етказиш, жамиятда қадр топиш-

дан ортиқ саодат борми дунёда?!

Бу истиқлол йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда энг катта бойлигимиз бўлган — тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, халқимиз турмуш фаро-

вонлигини юксалтириш, фарзандларимизнинг ҳеч қимдан кам бўлмай вояга етиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратиш, жамиятимизда хотин-қизларнинг мавқеини оширишга бўлган эътибор натижасидир.

(Давоми тўртинчи бетда)

СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ЭТИШ ЙЎЛИДА

Президентимиз Ислам Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш, жамиятни ривожлантириш ва демократлаштиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида судларнинг мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида суд кадрларини танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид қонун қабул қилиниб, Олий Мажлис Сенатига юборилди. Қуйи палатанинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Тулқин ТУРСУНОВ билан ЎЗА мухбири мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти ҳақида суҳбатлашди.

— Мамлакатимизда демократик янгиланишнинг муҳим йўналиши сифатида суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Т.Турсунов. — Ўтган даврда суд тизими ижро этувчи ҳокимият органлари назора-

ти ва таъсирдан чиқарилди, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатларини қучайтириш, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

(Давоми учинчи бетда)

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида изчилик билан амалга оширилаётган ислохотлар, жумладан, судларнинг ихтисослашуви, яъни умумий юрисдикция судларининг жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича алоҳида тузилмалари фаолияти йўлга қўйилгани ва вазифаларининг кенгайтирилгани фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Faoliyat

СУД ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР САМАРАСИ

Президентимизнинг 2013 йил 4 октябрда қабул қилинган "Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига кўра, умумий юрисдикция судларининг фаолияти янада такомиллаштирилгани соҳада ишлар самарадорлигини янада оширди.

Чунки шу асосда туманларро, туман (шаҳар) судлари сони кўпайтирилиши билан бирга улар томонидан одил судловни амалга оширишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, суд қарорлари ижроси самарадорлигини оширишга қаратилган зарур чора-тадбирлар амалиётга татбиқ этилаётир.

(Давоми учинчи бетда)

Islohot va samara

СУД БУЙРУҒИ ИНСТИТУТИ

ишларни тез ва осон ҳал қилишнинг қулай усули

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар самараси ўлароқ, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Хусусан, 2003 йилда фуқаролик процессуал қонунчилигига киритилган суд буйруғи институти ана шулардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда суд амалиётида самарали қўлланилиб келинаётган мазкур институт амалда даъво аризалари ва шикоятларни қабул қилиш ҳамда уларни кўриб чиқиш борасидаги дастлабки жараёнларни тубдан соддалаштирди. Айтиш жоизки, суд буйруғи — ишни мазмунан кўрмасдан, судьянинг яқка ўзи томонидан чиқариладиган ҳужжат ҳисобланади. Буйруқ тартибда иш юритганда суд мажлиси баённомаси юритилмайди, гувоҳ кўрсатмалари ва эксперт хулосалари текширилмайди, ундирувчи ва қарздорнинг тушунти-

ришлари эшитилмайди. Фақат мавжуд ҳужжатлар асосида судья ўз буйруғини чиқаради.

Фуқаролик процессуал қонунчилиқка берилган шарҳларда эътироф этилишича, суд буйруғи суд ҳал қилув қарорлари каби фуқаролик ишини мазмунан ҳал қилувчи суд ҳулосасига асосланган қарор ҳисобланади. Агар ҳал қилув қарори кириш, баён, асослантувчи ва қарор деб номланувчи тўрт қисмдан иборат бўлса, суд буйруғида бу қисмларнинг мавжудлиги талаб этилмайди.

(Давоми иккинчи бетда)

Халқимиз азал-азалдан оилани қадрлаш, фарзандни азиз билиш, аёлларни эъзозлаш, уларга ҳурмат ва эътибор кўрсатишни энг юксак инсоний фазилат деб билади.

Истиқлол йилларида ушбу қадриятларимиз янгича маъно-мазмун билан бойиди. Оила, она ва бола манфаатларини ҳимоялаш давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида белгилангани бунинг ёрқин ифодасидир.

Бунинг натижасида ана шу мақсадга хизмат қилувчи кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Юртимизнинг барча ҳудудларида барпо этилган оилавий поликлиникалар, кишлоқ врачлик пунктлари аҳоли саломатлигини тиклаш билан бирга тиббий маданиятни юксалтириш ва жамиятда соғлом турмуш тарзи ғояларини мустаҳкам қарор топтиришни тарғиб этувчи ўзига хос марказларга айланиб бораётгани юқоридаги фикрларнинг амалий исботидир.

Президентимиз ташаббуси билан жорий йилнинг мамлакатимизда "Соғ-

Iftixor

ЭЗГУ МАҚСАДЛАР РЎЁБИ

опа-сингилларимиз ҳаётида яққол намоён бўлмоқда



лом бола йили" деб эълон қилингани, шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастурида аёлни, оилани эъзозлаш ва уларнинг жамиятдаги мавқеи ва мақомини янада юксалтириш юзасидан белгиланган вазифалар ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишларни янги bosқичга олиб чиқади.

(Давоми иккинчи бетда)



Fuqarolik qonunchiligi

ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ

вояга етмаганлар томонидан қандай тартибда амалга оширилади?

Аввало шунини айтиш керакки, давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида жамиятда соғлом турмуш тарзи янада мустаҳкам қарор топишига, айниқса, оналик ва болаликнинг муҳофазасига алоҳида эътибор қаратиб, 2014 йилни "Соғлом бола йили" деб эълон қилишни таклиф этар экан, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги эзгу сазой-ҳаракатларини изчил давом эттириш ва бу жараённи юксак bosқичга кўтариш бугунги кунда ниҳоятда муҳимлигини таъкидлаб ўтди.

(Давоми иккинчи бетда)

2014 йилнинг 1 июлидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чет элга фақат биометрик паспорт билан чиқиши мумкин. Мазкур чора Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази директори **Нажмиддин ТЎРАХЎЖАЕВ** ЎЗА мухбирига мамлакатимиз паспорт тизимига киритилган бу янгиланган ва мазкур ҳукумат қарорининг мазмун-моҳияти ҳақида сўзлаб берди.

БИОМЕТРИК ПАСПОРТ — ФУҚАРО ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ ҲИМОЯСИ

— Ўзбекистонда халқаро намунадаги биометрик паспорт — унинг эгасининг фуқаролиги ва шахсини тасдиқловчи асосий ҳужжатни расмийлаштириш ҳамда бериш 2011 йилдан бошланди, — дейди Н.Тўрахўжаев. — Бу борадаги ишлар Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 23 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида пас-

порт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ва 2011 йил 5 январда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонлари асосида амалга оширилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

